

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Муаллиф: Заидов Азизбек Авазбекович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

Хавфсизлиги Университети

магистратура тингловчиси,

подполковник

Аннотация

Мақолада 2023 йилги ўзгаришлардан кейинги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири таҳлил қилиниб, унинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги стратегик аҳамияти очиб берилган. Муаллиф Конституциянинг инсон ҳуқуқларига йўналтирилганлиги, давлат ва жамият муносабатларидаги янгича парадигма, маҳаллий бошқарув тизимидаги ислохотлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги кафолатларни илмий асосда кўриб чиқади. Шунингдек, янги Конституциянинг мамлакатнинг узок муддатли истиқболдаги тараққиёти учун “пойдевор” сифатидаги ўрни илмий-назарий жиҳатдан асосланади.

Калит сўзлар: Конституция, ислохот, ҳуқуқий давлат, инсон ҳуқуқлари, демократик институтлар, ижтимоий давлат, маҳаллий бошқарув, жамият.

Аннотация

В статье анализируется новая редакция Конституции Республики Узбекистан после изменений 2023 года, раскрывается её стратегическое значение в правовой, политической, экономической и социальной сферах. Автор научно обосновывает ориентированность Конституции на права человека, новую парадигму отношений между государством и обществом, реформы в системе местного управления и гарантии в судебной-правовой сфере. Также теоретически обосновывается роль новой Конституции как «фундамента» долгосрочного развития страны.

Ключевые слова: Конституция, реформа, правовое государство, права человека, демократические институты, социальное государство, местное управление, общество.

Abstract

This article analyzes the new edition of the Constitution of the Republic of Uzbekistan following the 2023 amendments and reveals its strategic significance in the legal, political, economic, and social spheres. The author provides a scholarly examination of the Constitution's human-rights orientation, the new paradigm of state–society relations, reforms in the local governance system, and guarantees in the judicial and legal domain. The study also theoretically substantiates the role of the new Constitution as a “foundation” for the country's long-term development.

Keywords: Constitution, reform, rule of law, human rights, democratic institutions, social state, local governance, society.

Кириш

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизимида Конституция - уни муассис қиладиган, унинг сиёсий-ҳуқуқий тузумини белгилайдиган ва келажак тараққиётининг меъёрий асосини ташкил этувчи энг олий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. 2023 йил 30 апрель куни Ўзбекистонда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган Конституциянинг янги таҳрири мамлакат тарихидаги энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараёнлардан бири бўлди. Унда 65 фойздан ортиқ нормалар янгилангани, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид моддалар сонининг сезиларли кўраугани, ижтимоий давлат тамойилининг ҳуқуқий асослангани - бу жараённинг чуқур ва тизимли ислоҳот даражасини кўрсатади.

Конституциянинг янги таҳрири нафақат амалий-ҳуқуқий тузилма, балки стратегик маънода — мамлакатнинг келгуси ўн йиллик ва ундан кейинги даврдаги тараққиёт траекториясини белгилаб берувчи “пойдевор”дир. Шу жиҳатдан ушбу мақолада янги Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг концептуал йўналишлари ва келажак учун аҳамияти атрофлича таҳлил қилинади.

Конституциянинг янгиланиши - талаб ва зарурат

XXI асрнинг илк чораги инсон ҳуқуқлари, ахборот технологиялари, ижтимоий муносабатлар, иқтисодий жараёнларда кескин ўзгаришларни юзага келтирди. Глобал ўзгаришлар, миллий ривожланиш эҳтиёжлари ва янги таҳдидлар (киберинфратузилма хавфсизлиги, экологик муаммолар, глобал миграция, оммавий ахборот оқимлари) давлатдан ҳуқуқий муносабатларни замон талабларига мувофиқ янгилашни тақозо эта бошлади.

Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган кенг кўламли ислохотлар мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирди. Бу жараён эса Конституцияни замон талабларига мослаштиришни объектив зарурат сифатида майдонга чиқарди. Яъни Конституцияни янгилаш аввало “ислохотларни қонуний мустаҳкамлаш” вазифасини бажариб, ислохотлар Конституцияда ҳуқуқий кафолатлангандагина узоқ муддатли натижа бера оларди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда “Инсон қадри - энг олий қадрият” тамойил сифатида давлат сиёсатининг бош мезони сифатида мустаҳкамланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид моддаларнинг 3 баробарга ошиши демократик тараққиётнинг асосий кўрсаткичидир.

Конституцияда “ижтимоий давлат” тамойилининг киритилиши -жамиятда тенглик, имкониятлар адолати, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган гуруҳлар манфаатларини кафолатлаш сиёсий-ҳуқуқий асосга эга бўлди ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари алоҳида модда сифатида белгиланди. Бу жамиятнинг барча қатламларида тенг ҳуқуқли муҳит яратишга интилишини ўзида акс эттиради.

Янги Конституцияда “*Инсон - жамият - давлат*” формуласи асосида давлатнинг энг асосий вазифаси фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш сифатида белгиланди. Бу эса ўз навбатида давлатнинг жамият олдидаги масъулиятини кучайтириши, жамоатчилик назорати ва давлат идоралари фаолиятида очиқлик ҳамда жавобгарликни кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳоким ва маҳаллий кенгашлар ўртасидаги ваколатлар аниқланиши, маҳаллий бюджет, иқтисодий ташаббус ва жамоатчилик иштироки механизмларининг мустаҳкамланиши — “қуйидан юқорига” бошқарув моделига ўтишга асос солди. Яъни жамоат бошқарувининг кучайиши фуқароларнинг давлат қарорларига таъсир қилиш имкониятини кенгайтирди. Бу эса демократик давлат тизимининг муҳим белгисидир.

Конституцияда суд фаолиятининг мустақиллиги кафолатланиши, фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши баробарида, уларнинг ижро ҳокимиятидан мустақил бўлиши ҳуқуқий давлатнинг асосий шартларидан бири эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун устуворлиги принципи Конституцияда алоҳида таъкидланган бўлиб, бунда судлар фуқаролар ҳуқуқларини давлатдан мустақил равишда ҳимоя қилиш мақомини олди.

Мажбурий адвокат ёрдами, хабардор қилиш, ҳибс шароитларига оид нормалар инсон шаъни ва қадрини ҳимоя қилишга йўналтирилган процессуал кафолатлар кучайтирилди. Бу орқали амалда демократик суд ҳимояси механизмларини мустаҳкамлашга эришилди.

Янги Конституцияда хусусий мулк дахлсизлиги конституциявий кафолатга эга бўлганлиги тадбиркорлик муҳитини барқарорлаштиришда муҳим омил сифатида шакллантирилди.

Конституциямизда ривожланган бозор иқтисодиёти, рақобат ва хусусий секторнинг ривожига давлат сиёсатида устувор йўналиш экани белгилаб ўтилди.

Илк бор Конституция даражасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазифаси белгиланиб, инновацион ривожланиш учун ҳуқуқий замин яратилди. Зеро, иқтисодий кафолатлар — давлатнинг узоқ муддатли инвестицион жозибадорлигини таъминлайдиган омилдир.

Конституция нафақат давлатнинг ҳуқуқий асоси, балки унинг келажак ривожланиш йўналишини белгилайдиган стратегик ҳужжатдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралса янги таҳрирдаги Конституциянинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат — ривожланишнинг марказидалиги мамлакатда барқарор ижтимоий муҳитнинг шаклланишига хизмат қилади.
- Исломий, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг мустаҳкамланганлиги, Конституцияда ушбу ислохотларнинг узоқ муддатли ҳуқуқий кафолатига айланди.
- Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий имижи кучайди ва демократик стандартларга мос ҳуқуқий база — ташқи сиёсатда давлат нуфузи ортишининг муҳим омилига айланди.
- Жамият ва давлат муносабатларининг замонавий моделлари яратилда бу эса ташқи таъсирларга нисбатан буткул боғланиб қолмаган барқарор ижтимоий тузум шакллантирилишида муҳим аҳамият касб этди.
- Иқтисодий барқарорлик ва инвестициялар учун ҳуқуқий кафолатнинг яратилиши кенг миқёсдаги тадбиркор ҳамда ишбилармон доира вакиллариининг эътирофига сазовор бўлди, зеро ҳуқуқий кафолатсиз иқтисодий барқарорлик мавжуд бўлмайд.

Хулоса

Янги таҳрирдаги Конституция — бу шунчаки ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки Ўзбекистоннинг келажак ривожланиш концепциясини белгилаб берувчи стратегик пойдевордир. Унинг марказида — инсон қадри, ижтимоий адолат, ҳуқуқий давлат, демократик институтлар ва иқтисодий тараққиёт ётади. Мазкур қомус мамлакатнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини замон талабларига мос ҳолда барқарор ривожлантириш имконини беради.

Шунинг учун янги Конституция мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдевори, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлида муҳим қадамдир. Унинг тўлиқ амалга татбиқ этилиши эса келажак авлод учун мустаҳкам ҳуқуқий ва ижтимоий муҳит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

А Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Янгиланган таҳрир — 2023 йил 30 апрель.

А “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун, 2023 йил.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси”, Тошкент, 2022.

?? А.Х.Саидов “Конституциявий ҳуқуқ: назария ва амалиёт”, Тошкент.

.Абдуллаев “Ўзбекистонда давлат бошқаруви ислохотлари”, Тошкент: Академнашр.

?? Ф.Мелиев “Инсон ҳуқуқлари: назарий-амалий ёндашувлар”, Тошкент.

7. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши: Ўзбекистон бўйича миллий ҳисоботлар (UPR), 2020–2023.